

Ҳар бир муҳим иш Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошланмаса, охири кесикдир



10:16 / 11.09.2023 1320

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир муҳим иш Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошланмаса, охири кесикдир», дедилар.

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари.

Бошқа бир ривоятда:

«Ҳар бир муҳим иш «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан бошланмаса, у кесикдир», дейилган.

Уламолар: **«Китоб тасниф қилувчи, дарс олувчи, дарс берувчи, хутба айтувчи Аллоҳга ҳамд билан бошлашлари мустаҳаб»,** дейдилар.

Булардан ташқари, еб-ичгандан кейин, акса урганда, аёлга совчи қўйганда, никоҳ ўқиладганида, ҳожатхонадан чиқаётганда, шунингдек, бошқа ишларда ҳам Аллоҳга ҳамд айтиш мустаҳабдир.

Дуонинг хотимасида ҳам, бошланишида ҳам Аллоҳга ҳамд айтиш мустаҳаб

қилинди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг:

نَيِّمًا لِّعِبَادِكُمْ لِلَّذِينَ آمَنُوا وَمُؤَدِّعًا لِّلَّذِينَ كَفَرُوا

«Охирги истаклари Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд айтишдир» (Юнус сураси, 10-оят), деган сўзидир.

Бирор неъматга етишганда ёки ёмон кўрган нарсасидан узоқлашганда, Аллоҳга ҳамд ҳам айтиш мустаҳабдир.